

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги
“Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5392-сонли
Фармони ҳақида**

Архитектура ва қурилиш соҳасини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш ҳудудларнинг замонавий кифёсини шакллантириш, ҳаёт ва тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган шахарсозлик фаолиятини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, шахарсозлик фаолиятини инновацион ғойлар, ишланмалар ва илгор ақборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини берувчи замонавий тизимни яратиш, кўрсатилгаётган хизматларнинг шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Мазмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5392-сонли Фармони ижро учун рақобарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатилган Фармони билан:

а) қуйидагилар:
Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси негизда Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юртилади);

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Ривожлантириш ва моддий раёбатлантириш жамғармаси ҳамда Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси базасида Вазирлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганлиги;

б) қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси Вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси;

Қурилишда стандартлаштириш ва сертифицикация республика маркази Қурилишда стандартлаштириш республика маркази этиб қайта ташкил қилинганлиги;

в) қуйидагилар:

Қурилиш соҳасида тегишли фаолият турларини лицензиялаш функциясини Вазирликка ўтказган ҳолда Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Шахарсозлик фаолиятини ақборот билан таъминлаш маркази;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш маркази тугатилганлиги;

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган ҳолда 1-илговачда назарда тутилган лицензияларни бериши белгиланганлиги;

г) қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари этиб:

шахарсозлик ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсатни олиб бориш, меҳнат унмудорлигини ошириш, қурилиш-монтаж ишлари қийматини қамайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган энергия самарадор ва энергия тежайдиган инновацион лойиҳа ва қарорларни қурилиш фаолиятига жорий этиш;

республика ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ва бошқа шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилиш, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қоритиш;

шахарсозлик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича тақлифлар тайёрлаш, архитектура-қурилиш фаолиятини ривожлантиришнинг узок муддатли ва ўрта муддатли давлат дастурларини ишлаб чиқиш, ҳудудларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармок ва ҳудудий дастурларини тайёрлашда иштирок этиш;

лойиҳа иши ва қурилиш фаолиятини мувофиқлаштириш, лойиҳа-кидирув ташкилотларининг иш самарадорлигини ошириш ва ҳудудий тармокларини кенгайтириш, яққа тартибдони, намунавий, тақдоран қўлланиладиган ва экспериментал лойиҳаларни ва лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, шахарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш;

шахарсозлик ва шахарсозлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ва янгилаш, илоравий қурилиш норма ва қондаларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш, лойиҳалаш, қурилиш, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш соҳасида стандартлаштириш ишларини амалга ошириш;

архитектура, лойihalаш ва қурилиш соҳасида малякали кадрларни тайёрлаш, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқув жараёнининг даражаси ва сифатини тўбдан яхшилаш, қурилиш соҳасида, жумладан чет элданги етажчи илмий-таълиқот муассасаларида лойihalачилар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малякасини оширишга қўмақлаштиришлари белгиланганлиги;

д) Вазирилик:
Ўзбекистон Республикасида архитектура ва қурилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат бошқаруви органи этиб хисобланиши;

махаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш хажминини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, янги турдаги юқори сифатли қурилиш материалларида бўлган ички талабни қондириш бўйича дастурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасида
“Ўзқурилишматериаллари” АЖ фаолиятини мувофиқлаштириши;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблаглари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан молиялаштирилиши белгиланиб қўйилганлиги;

е) қуйилганлар Вазирилик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат бўйича инспекциянинг асосий вазифалари этиб:

аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларга қатъий мувофиқ равишда комплекс қурилиши, аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш, лойihalа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш, қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишда қурдик ва жисмоний шахслар томонидан шахарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, шахарсозлик норма, қонда ва стандартларида сўзсиз риқоз этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

б) уртмачи техник назорат ва лойihalа ташқилоглари муаллифлик назорати олиб бориши устидан мониторинг ўтказиш ишлари белгиланганлиги;

ж) қурилиш-монтаж ташқилоглари ресурсини юритиш тўғрисидаги талаб беқор қилинганлиги;

барча тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасидан молиялаштириладиган объектлар қурилиши доирасида товар (иш, хизмат)ларни харид қилиш бўйича танлов (тендер) савдоларида белгиланган тартибда иштирок этиш ҳуқуқи берилганлиги;

з) Вазирилар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойihalа бошқаруви миллий агентлиги билан биргалликда икки ҳафта муддатда қурилиш соҳасида айрим фаолият турларини лицензиялашнинг қуйилганларни назарда тутувчи соддалаштирилган механизмининг тасдиқлаши ва унга қўра:

лицензия шартномасини имзолаш заруратини беқор қилган ҳолда, аниқ ва тўлиқ лицензия талаблари ва шартларини;

лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини текширишнинг самарали механизминини;

молдий жавобгарлик ҳамда лицензия қонунидан лицензия талаблари ва шартларига риқоз этилишини назорат қилишни;

Вазириликка 2018 йилнинг охирига қадар 1-иловада назарда тутилган илгари берилган лицензияларнинг ушбу Фармон билан белгиланган лицензиялашнинг янги механизмининг ҳисобга олган ҳолда қайта расмийлаштирилишини таъминлаш топширилганлиги;

и) Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойihalа бошқаруви миллий агентлигига 2018 йил 1 июлга қадар муддатда аккредитация механизмининг жорий этиш орқали, жумладан аккредитация органининг мустақиллигини таъминлаш, субъектларнинг маляка талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартибини белгиланиши назарда тутилган ҳолда, қурилиш соҳасида техник назоратга оид давлатнинг айрим функцияларини ҳуқуқий секторга ўтказиш бўйича тақлиф киритиш топширилганлиги;

қ) Қурилиш фаолиятини тақомиллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири, вазириликлар, идоралар ва бошқа ташқилоглар раҳбарлари Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиши учун шахсан жавоб бериши белгиланганлиги;

д) Вазириликка Адлия вазирилиги билан биргалликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларида ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасига киритиш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши Рақсининг ўринбосари (Нағметов)га тегишли вазирилик ва идоралар билан биргалликда Қорақалпоғистон Республикаси архитектура ва қурилиш қўмитаси негизида ўрнатилган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирилигини ташқилог этиш топширилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирилиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қўрсатилган Фармони билан белгиланган қуйилган вазириликнинг асосий вазифалари асосида фаолиятини ташқилог этишлар.


5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши Рақсининг ўринбосари (Нағметов) туманлар ва Нуқус шахри ҳокимлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирилиги ҳамда манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргалликда барча тадбиркорлик субъектларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасидан молиялаштириладиган объектлар қурилиши доирасида товар (иш, хизмат)ларни харид қилиш бўйича танлов (тендер) савдоларида белгиланган тартибда иштирок этилишини таъминласялар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатилган Фармони билан 2-иловага мувофиқ тасдиқланган "Қурилиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури" доирасида белгиланган тадбирларни муддатда амалга оширсинлар ҳамда тадбирларнинг сифатли ва тўлиқ бажарилиши учун шахсан жавобгарлик юклатилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги туманлар ва Нугус шахри ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўз норматив ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиққан тадбирларни амалга ошириш ва кўшимчаларга мувофиқлаштирсин.

8. Маэкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари А.А.Тажетдинов, Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.И.Напметов зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



К.Сариев

Лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Президентини кузурдаги
Лойиха бошқаруви мислий агентлиги билан келишилган ҳолда амалга
ошириладиган қурилиш соҳасидаги айрим фаолият турлари
рўйхати

1. Архитектура-шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш
2. Батандликларда саннат алыннизми усуллари орқали таъмирлаш,
3. Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш
4. Қуриликлар ва тоннелларни лойиҳалаштириш, куриш, улардан
фойдаланиш ва уларни таъмирлаш
5. Мулоффа объектларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш
ва уларни таъмирлаш
6. Хавфи юқори бўлган объектларни ва потенциал хавфи ишлаб
чиқаришларни лойиҳалаштириш, куриш ҳамда улардан фойдаланиш

**Қурилиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича биринчи навбатдаги
чора-тадбирлар дастури**

Тадбир номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
I. Қурилиш соҳасини такомиллаштириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий масалалар			
<p>Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг вазифа ва функцияларини танқидий ўрганиш ва қайта кўриб чиқиш орқали қурилиш соҳасидаги фаолиятда такрорланишларни исетино этиш мақсадида уларнинг ташкилий-штат тузилмаси ва вазифаларини оптимallasштириш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2018 йил 1 июлгача	Қурилиш вазирлиги, Лойиха бошқаруви миллий агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
<p>Қурилиш соҳасидаги қонуи ҳужжатларнинг бузганлик учун шахсларнинг, жумладан мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш.</p>	Қонуи	2018 йил 15 июлгача	Адлия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Бош прокуратура, Лойиха бошқаруви миллий агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
<p>Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини бериш тартиб-қоидаларини тубдан такомиллаштириш, унификация қилиш ва шаффофлигини ошириш, шунингдек, қурилиш соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомилларини қисқарттириш, жумладан қуйидагиларни назарда тутиш: тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини бериш бўйича электрон савдоларни ташкил этиш юзасидан махсус порталини ишлаб чиқиш, унинг ишлатиш ва доимий янгиланиб боришини таъминлашни; ваколатли давлат органларида жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини бериш бўйича материалларни фақат электрон шаклда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқиш ва келишини; ҳокимларнинг жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарорларини улар қабул қилингандан кейин бир кун мобайнида махсус порталда мажбурий эълон қилишни;</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2018 йил 1 июлгача	“Ер соҳасида” давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Лойиха бошқаруви миллий агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
<p>қурилиш соҳасидаги унинг ривожланишига тўсик бўладиган барча руҳсат бериш тартиб-таомилларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилишни; Манфаатдор шахсларга Интернет тармоғи орқали ер осети муҳандислик-коммуникация тармоқлари тўғрисидаги ахборот ва материаллар, топографик хариталар, ҳудудларнинг тасдиқланган бош режаларидан эркин фойдаланиш имкониятини ҳамда уларнинг шаффофлигини таъминлаш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2018 йил 15 июлгача	Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Лойиха бошқаруви миллий агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
II. Қурилиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштириш			
<p>Қурилиш хавфсизлигига таъсир қилувчи шартларни шакллантириш, шаҳарсозлик шартлари ва чекловларини эълон қилиш, шунингдек, қурилиш соҳаси интироқчиларига малака талабларининг янги тартибни жорий этиш, жумладан қуйидагиларни назарда тутиш: муҳандислик-коммуникация тармоқларининг (газ, электр, иссиқлик, сув таъминоти ва канализация, телекоммуникация ва бошқалар) жорий ҳолати, техник таъсирлари, режалаштирилган тадбирлар тўғрисидаги ахборотлардан эркин фойдаланишни таъминлашни; туман (шаҳар)ларини режалаштиришнинг умумий макон схемалари/режаларини ишлаб чиқиш бўйича хизматларни марказлаштирилган тарзда сотиб олинishi жорий этиш, шунингдек, Интернет тармоғида эълон қилиш орқали / улардан эркин фойдаланишни таъминлашни; халқаро миқёсда тан олинган қурилиш хавфсизлиги норма ва қоидаларини уларни ишлаб чиқишга ҳуусейи секторни жалб этиш ҳолда жорий қилишни; Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигини шаҳарсозлик ҳужжатларининг алоҳи буюртмачиси ва эгаси этиб белгилашни.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2018 йил 1 августгача	Қурилиш вазирлиги, Лойиха бошқаруви миллий агентлиги, манфаатдор идоралар
<p>Аккредитация механизмининг жорий этиш орқали, жумладан аккредитация органининг мустақиллигини таъминлаш, субъектларнинг малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартибни белгилашни назарда тутиш ҳолда, қурилиш соҳасида техник назоратта оид давлатнинг африм функцияларини ҳуусейи секторга ўтказиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2018 йил 1 июлгача	Лойиха бошқаруви миллий агентлиги, Қурилиш вазирлиги, манфаатдор идоралар
<p>Қурилиш лойихаларини экспертизадан ўтказиш ва қурилиш объектларини инспекция қилиш тартибни жорий этиш, жумладан қуйидагиларни назарда тутиш:</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2018 йил 1 сентябргача	Лойиха бошқаруви миллий агентлиги, Қурилиш вазирлиги, манфаатдор идоралар

аккредитациядан ўтган тадбиркорлик субъектларининг қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ҳуқуқини; аккредитациядан ўтган жисмоний шахслар экспертларининг қурилиш объектларини инспекция қилиш ҳуқуқини; аккредитациядан ўтган субъектларининг фаолияти устидан шикоят қилиш тартибини, шунингдек, уларнинг моддий (молиявий) жавобгарлигини.			
--	--	--	--

Изоҳ: ҳуқуқий муносабатларнинг предмети ва тартибга солинш соҳасидан келиб чиққан ҳолда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг лойиҳалари қайта кўриб чиқилиши яна ҳужжатга бириктирилиши мумкин.

